



ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Юлчиев Баходиржон Собирович

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10693248>

ARTICLE INFO

Received: 16th February 2024

Accepted: 21th February 2024

Online: 22th February 2024

KEYWORDS

Айбсизлик презумпцияси,
жиноят иши, гумон
қилинувчи, айбланувчи,
судланувчи, суд-тергов,
айбига иқрорлик тўғрисида
келишув.

ABSTRACT

Мақолада бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари томонидан шахсинг жавобгарлик масаласини ҳал этишда айбсизлик презумпциясига амал қилиш ҳолатлари, шу билан боғлиқ миллий қонунчилигимиздаги айрим казусли ҳолатлар ҳамда суд-тергов амалиётида ушбу масалаларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга ушбу мақолада ҳуқуқни қўллаш амалиётида айбсизлик презумпциясига тўла амал қилишни такомиллаштириш зарурати юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Айбсизлик презумпцияси шахсинг жамиятдаги ҳуқуқий мақомини белгилайди, унга кўра шахс жиноят содир этишда айбдорлиги қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангандан кейингина юзага келадиган барча ҳуқуқий оқибатлар билан жиноятчи деб эътироф этилиши мумкин. Ундан олдин шахс айбсиз деб ҳисобланади, бу унинг жамиятдаги мавқеини, бошқа шахсларнинг унга нисбатан бўлган муносабатини белгилайди. Процессуал маънода айбсизлик презумпцияси жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи талаб сифатида кўриб чиқилиши керак [1]. Ҳам умумий ҳуқуқий, ҳам процессуал маънода айбсизлик презумпцияси бевосита суд муҳокамаси вақтида инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг кафолати ҳисобланади.

Айбсизлик презумпциясининг қонунчилик тизимидаги ўрни ҳар доим ҳуқуқшунос олимлар ўртасида кўплаб келишмовчиликларни келтириб чиқарган. Гайриоддий ҳуқуқий ҳодисани ифодаловчи мазкур қоида ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқ талқин қилиниши ва қўлланилишини кузатиш мумкин. Масалан, бизнинг фикримизча, айбсизлик презумпцияси ва ҳуқуқ тамойилларининг ўзаро таъсири масаласи кам ўрганилган, бу эса унинг ҳуқуқий аҳамиятини тўлиқ аниқлай олиш имконини бермайди. Айбсизлик презумпциясининг ҳуқуқий маъноси жуда кўп қиррали бўлиб, бир қанча жиҳатларга эга:

биринчидан, айбсизлик презумпцияси умумий ҳуқуқий тамойил;



иккинчидан, ҳуқуқнинг ахлоқий тоифаси;
учинчидан, шахснинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи конституциявий кафолатлардан бири;

тўртинчидан, исботлаш жараёнини тартибга солувчи тамойиллардан бири;
бешинчидан, адолат тамойилларини боғлайди.

Шахснинг айби судда тегишли тартибда исботланмагунча уни жиноятчи, ҳуқуқбузар шахс деб эътироф этиш мумкин эмас. Айбсизлик презумпцияси исботлаш жараёнига бевосита таъсир қилади. Унинг исботлаш жараёнида таъсири ишнинг ҳолатларини текширишда айбловчи ёндашувга йўл қўйилмаслигини билдиради. Шунингдек, айблов фараз, тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат суд муҳокамаси давомида судланувчининг айби исботланган бўлиши шарт. Айбловнинг исботига нисбатан ҳар қандай шубҳа эса, агар уни бартараф этишнинг иложи бўлмаса, судланувчи фойдасига ҳал қилинади. Агар айбланувчининг жиноят содир этишда иштирок этганлиги тўғрисида етарлича далиллар бўлмаса ва қўшимча далиллар тўплашнинг иложи бўлмаса, у айбсиз деб топилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда амалдаги процессуал қонунчиликка назар ташлайдиган бўлсак, айбсизлик презумпциясига ҳар доим ҳам амал қилишнинг имкони йўқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинганида бу яққол кўзга ташланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 62¹-бобида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув назарда тутилган. Қонунчиликдаги мазкур институтни таҳлил қилар эканмиз, расмий равишда қонунда айбсизлик презумпциясига зид бўлган бир нечта ҳолатлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Қонуннинг 586²-моддасига кўра, айбга иқрорлик тўғрисида прокурор билан келишув тузиш ҳақидаги илтимосномада *гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ва дастлабки терговда қўйилган гумонни ёки айбловни тан олиши, далилларни инкор қилмаслиги, жиноятни тергов қилишга қўмаклашиши, жиноят натижасида олинган мол-мулкнинг топиллиши учун қайси ҳаракатларни амалга ошириш шартлигини, жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятларини ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этилганлигини кўрсатиши лозимлиги* қайд этилган [2].

Демак, ушбу қонунчиликдаги айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтига кўра, келишувни тузган гумон қилинувчи ёки айбланувчи зиммасига мажбурий равишда бажарилиши шарт бўлган муайян мажбуриятлар юкланади.

Ваҳоланки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш, шубҳасиз, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқи бўлиб, у прокурорнинг розилиги билан келишувни тузган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, агар гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳуқуқидан фойдаланса, у ҳолда унинг зиммасига муайян мажбуриятлар юклатилади, агар улар бажарилмаса, жиноят иши умумий тартибда судга юборилиб, унга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар қўлланилмайди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586³-моддаси 5-қисмига кўра эса, прокурор келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқаётганида, *агар келишувга*



асосан ҳукм чиқарилиб, жазо тайинланганидан кейин гумон қилинувчи, айбланувчининг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги ёки терговдан бирон-бир муҳим ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни қасддан яширганлиги аниқланса, ҳукм қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома берган гумон қилинувчига, айбланувчига тушунтирилиши кўрсатилган.

Бизнинг фикримизча, ушбу мажбуриятлар гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган ҳуқуқларини чеклашдан иборат. Агар айбсизлик презумпциясининг бошқа оқибатлари айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузган гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан тадбиқ этилса, ушбу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, исботлаш мажбурияти тўғрисидаги қоидага кўра, айбловни исботлаш, ўзининг ва жиноий шерикларининг айбини тасдиқлаш учун маълумотларни тақдим этиш гумон қилинувчи ва айбланувчига тааллуқли бўлади. Яъни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилаётганда гумон қилинувчининг, айбланувчининг айбини ёки унинг айбсизлигини исботлаш шарт эмаслиги нуқтаи назаридан унинг ҳуқуқлари сезиларли даражада чекланган ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586^б-моддаси 2-3-қисмларига кўра, айбга иқрорлик тўғрисида келишув имзоланганидан кейин тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш зарурати мавжуд бўлган тақдирда, прокурор ишни суриштирув ёки тергов органига юбориши, суриштирувчи, терговчи эса гумон қилинувчининг, айбланувчининг фақатгина **айбини тасдиқлаш учун етарли ҳажмда далилларни тўплаши** кўрсатилган. Яъни гўёки ушбу ҳолатда суриштирувчи, терговчи эса гумон қилинувчининг, айбланувчининг айбини рад этувчи далилларни текширишга мажбур эмасдек, қоидани тушуниш мумкин. Ушбу норманинг 7-қисмида эса, гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг **айбини тасдиқлаш учун далиллар тўплаганидан кейин** суриштирувчи, терговчи ишни прокурорга тақдим этиши қайд этилган. Мазкур ҳолатда ҳам гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг фақатгина **айбини тасдиқлаш учун далиллар тўплаш назарда тутилган бўлиб, айбловни рад этувчи далилларни текшириш** бўйича қонунчилик ҳеч қандай мажбурият юкламаглигини англаш мумкин.

Шуниси эътиборга лойиқки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузган гумон қилинувчи ёки айбланувчи исталган вақтда ундан воз кечишга ҳақли, шу муносабат билан уларга нисбатан айбсизлик презумпцияси таъсири яна тўлалигича қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда (содир этилган жиноят ва унинг “шериклари” тўғрисида маълумот бериш нуқтаи назаридан) уларга нисбатан суд ҳукми чиқарилгунга қадар ушбу мажбуриятларни исталган вақтда бажаришни рад этишга ҳақли.

Бу борада ҳуқуқшунос олим М.М. Головинский айбловни исботлаш айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилган тақдирда гумон қилинувчи ёки айбланувчи зиммасига ҳам юкланганлиги ҳақида фикр билдириб, шундай хулосага келган: “Бундай келишувлар икки томон учун ҳам фойдалидир, чунки улар айблов ҳукмини кафолатлаш билан бирга айбловни исботлаш мажбуриятдан озод қилади ва айбланувчига иш бундай келишувсиз кўриб чиқилганидан кўра енгилроқ жазо кафолатланади” [3]. Унинг



фикрини давом эттириб, шундай дейиш мумкинки, агар айблов томон айбловни исботлашдан озод этилса, демак бундай мажбурият гумон қилинувчи ёки айбланувчига ўтади.

Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд. Жумладан, ЖПКнинг 85-моддасида исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга ошириши кўрсатилган. Шунингдек, унда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи иштирок этиш **ҳуқуқига** эга эканлиги кўрсатилган [4]. Демак, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд исботлаш субъекти ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин ҳамда фақат улар далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш ҳуқуқига эгадирлар. Юқорида қайд этилганлар билан боғлиқ ҳолда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига, улар билан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилган тақдирда ҳам, уларнинг зиммасига исботлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

Лекин, агар гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш ҳуқуқидан фойдаланган бўлса, у ҳолда унинг зиммасига ўзининг ҳам, жиноят иштирокчиларининг ҳам айбини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш юклатилади ва буни айбловни исботлаш мажбуриятини гумон қилинувчи ёки айбланувчига далил тўплаш нуқтаи назаридан ўтказиш орқали қисман эътироф этиш мумкин.

Шундай нуқтаи назар мавжудки, унга кўра фақат айб исботланиши керак, айбсизлик исботланиши шарт эмас, чунки у тахмин қилинади [5]. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси (айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар) 1-қисмининг 3-бандини сўзма-сўз талқин қилишда жиноят иши айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун фақатгина **“жиноят ушбу шахс томонидан содир этилганлиги”** исботланиши кераклиги қайд этилган.

Бироқ, ЖПКнинг 22-моддасига кўра, *иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги кўрсатилган.*

Бундан ташқари, ЖПКнинг 94-моддасига кўра эса, *иш бўйича далилларни текширишда қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозимлиги қайд этилган бўлса, ушбу Қонуннинг 95-моддасига кўра эса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши қайд этилган [6].*

Бу билан биз, шахсга нисбатан айб эълон қилиб, унга ҳукм қилишда нафақат унинг содир этган жинояти бўйича айбини тасдиқловчи, балки унинг айбини рад этувчи далилларни ҳам исботлаш лозим. Жумладан, иш бўйича шахснинг айбсизлиги ҳам исботланиши лозимлиги тўғрисида С.П. Новоселцевнинг фикрича, исбот юки тоифаси ягона тушунишга боғлиқлигини ва у бўйича айбдорликни ҳам, айбсизликни ҳам исботлаш лозим [7].



Бундан ташқари, жиноят процессининг мақсади, биринчи навбатда, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш орқали иш бўйича ҳақиқатни аниқлашдан иборатдек туюлади, гарчи ҳозирги пайтда бу нуқтаи назар зиддиятли бўлса ҳам. Шундай қилиб, баъзи муаллифлар ҳақиқатни аниқлаш, шубҳасиз, жиноят процессининг вазибаларидан бири эканлигини таъкидлайдилар [8]. Бундан ташқари, В.Т.Томин моддий ҳақиқатни жиноят ишини ҳал қилишнинг ягона асоси деб ҳисоблайди [9],

О.В.Левченко таъкидлашича эса, объектив ҳақиқатга эришиш шахсни ноқонуний ва асосиз айбловлардан, қоралашдан, ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашдан ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолатидир [10]. Н.Н.Росиннинг фикрича: “Рақобат жараёнини моддий ҳақиқатга чексиз интилиш билан тавсифлаб бўлмайди. Баҳс юритишда суднинг раҳбарлик қиладиган тамойили моддий бўлмаган, ҳуқуқий ҳақиқат тамойили бўлиб, уни айбловни исботлаш тамойили деб аташ тўғрироқ бўлади” [11].

Шунингдек, И.Б.Михайловскаянинг таъкидлашича эса, “айбловни исботлаш тамойили жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларининг ҳақиқатлиги қонун чиқарувчи томонидан фақат шахснинг жиноят содир этишда айбдорлигини аниқлайдиган суд қарорларига кўйиладиган талабдир. Айблов томони судга айбланувчининг айбига ишонтирадиган далиллар тўпламини тақдим эта олмаган вазиятда моддий ҳақиқатга интилиш уни излашга ундаши керак. Агар суд “исботланмаган айбсизлик исботланган айбсизликка тенгдир” тамойилига амал қилса, ушбу ҳолатда у айблов томони айбсизлик презумпциясини рад этишига мажбурлигидан келиб чиқса, у ҳолда бу мажбурият бажарилса, суд ҳақиқий расмий (ҳуқуқий) билан қаноатланади.” [12].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят-процессуал қонунчилигимиз анъанавий равишда иш бўйича якуний хулосани чиқаришда жиноят ҳодисаси тўғрисида ишончли (объектив ҳақиқат) билимларнинг устуворлигига асосланган жиноят-процессуал исботлашнинг романо-герман моделига қаратилади.

Шу муносабат билан, юқорида таҳлил қилинган жиноят процессуал қонунчилик нормалари ҳамда олимларнинг фикр мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКга юқоридаги ҳолатлар билан боғлиқ ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу боис, биз юқорида қайд этилган қонун лойиҳасида мустаҳкамланган қоидага кўшилаемиз, унга кўра, ҳақиқатни аниқлаш жиноят процессининг барча босқичларида амалга ошириладиган жиноят процессининг тармоқ миқёсидаги тамойили сифатида белгиланган. Ушбу тамойилни ишлаб чиқишда исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш учун барча масъул субъектлар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд) ўз ваколатлари доирасида барча чораларни кўриш мажбурияти белгиланган.

Ҳақиқат ҳам, бизнинг фикримизча, содир этилган жиноятнинг барча ҳолатлари ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганиш билангина ўрнатилиши мумкин. Шу билан бирга, ҳолатни ўрганмасдан, айбловни тасдиқламасдан ҳам, уни рад этмасдан ҳам ҳар томонлама ўрганиб бўлмайди.

Шу ўринда, бир қатор процессуал адабиётларда бир қатор олимлар ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчининг айбсизлигини исботлаш бурчи ҳақидаги фикрни илгари



суришганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, М.А. Дрягин Жиноят-процессуал қонунчилиққа қуйидаги мазмундаги қўшимча киритиш зарур деб ҳисоблайди: “Ҳимоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, маҳкумнинг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас” [13]. Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу фикрга қўшилиш нотўғридир. Чунки, процессуал қонунчилиққа ушбу қоидаги киритиш шахсга нисбатан айбсизлик презумпциясини қўллашда, унинг айбсизлигини исботлаш бевосита айблов томонида қолишига тўсқинлик қилади.

Кўринишидан, ҳимоячи ўзининг ҳимояси остида бўлган шахснинг айбсизлигини исботлаш мажбуриятига эгадек бўлиши мумкин. Аммо, ушбу масаланинг асосий жиҳати шундаки, айбловни рад қилувчи далилларни текшириш ва баҳолаш айблов томонидадир. Яъни ЖПКнинг 86-моддасига кўра, *исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд* амалга ошириши белгиланган бўлиб, ҳимоячи унда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Муҳтасар айтганда, ҳимоячининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини, бироқ *мажбур эмаслигини* кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ўз айбсизлигини исботлаш мажбурияти ва айбловни айбловчи томонидан исботлаш мажбурияти йўқлиги тўғрисида айбсизлик презумпциясидан келиб чиққан оқибатни амалга ошириш қуйидагилардан иборат:

1) жиноят иши бўйича исбот предметини ташкил этувчи ҳолатларни исботлаш мажбурияти тўлиқ айблов томони зиммасида бўлади;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи, шунингдек уларнинг ҳимоячиси айбсизлигини исботлаши шарт эмас;

3) гумон қилинувчи ва айбланувчи кўрсатув беришга ёки уларнинг ихтиёрида бўлган бошқа далилларни тақдим этишга мажбурланиши мумкин эмас;

4) исботлашда иштирок этишдан бош тортиш гумон қилинувчи ва айбланувчи учун уни айбсиз деб топиш нуқтаи назаридан ҳам, жазо тайинлаш нуқтаи назаридан ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, агар гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбга қирорлик тўғрисида келишув тузиш ҳуқуқидан фойдаланган бўлса, унга бир қатор мажбуриятлар юкланади, бу унинг айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳолатда гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўзининг жиноят содир этишдаги айби ва жиноят иши бўйича бошқа шерикларнинг айби тўғрисида маълумот беришга мажбурдир.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган олимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини чуқур таҳлил қилиш бизга айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув билан боғлиқ амалдаги қонунчилигимизнинг айбсизлик презумпциясига тааллуқли томонларига қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш имконини берди:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;



2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят [кодексида](#) кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) айбланувчининг айбини ҳам тасдиқловчи, ҳам рад қилувчи далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш;

5) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

6) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар”.

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586²-моддасининг 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“Илтимосномада гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ва дастлабки терговда жабрланувчига етказилган зарар бартараф этилганлигини ва шу боис ишни айбга иқрорлик тўғрисида келишув орқали тамомлашни илтимос қилишини кўрсатади”.

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586³-моддасининг 5-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“Шундан кейин прокурор, агар келишувга асосан ҳукм чиқарилиб, жазо тайинланганидан кейин суд келишувни тасдиқласа, гумон қилинувчи, айбланувчи мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома берган гумон қилинувчига, айбланувчига тушунтиради”.

4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586⁶-моддасининг 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“Суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчининг, айбланувчининг айбини ҳам тасдиқловчи, ҳам рад қилувчи далилларни тўплайди”.

5) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586⁶-моддасининг 7-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

“Гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг айбини тасдиқлайдиган ҳамда рад этадиган далиллар тўпланганидан кейин суриштирувчи, терговчи иш натижаларига кўра, қонуний қарор қабул қилади. Агар иш айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан тамомланса, ишни дарҳол прокурорга тақдим этади. Прокурор жиноят иши материалларини беш сутка ичида кўриб чиқиб, айблов хулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, ишни айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув билан бирга судга юборади”.

References:

1. Кокорев Л.Д. Подсудимый в советском уголовном процессе. Воронеж. <http://lawlibrary.ru/izdanie9821.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.12.2023 йил) ;

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);



3. Головинский М.М. Досудебное соглашение о сотрудничестве: Дисс. ... канд. юрид. наук. - Владимир, 2009.-С.33. <https://www.dissercat.com/content/dosudebnoe-soglashenie-o-sotrudnichestve> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
5. И. Ткачев., О. Тисен Сравнительный анализ правовой регламентации досудебного соглашения о сотрудничестве и особого порядка судебного разбирательства в российском уголовном судопроизводстве // Уголовное право. 2011. № 1. – 84-бет
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
7. Новосельцев, С. П. Презумпция невиновности: структура и правовое содержание формулы. - Учеб, пособие / С. П. Новосельцев. - Красноярск: Сиб. юрид. ин-т МВД России, 2001. 51-бет. <https://www.dissercat.com/content/prezumpsiya-nevinovnosti-v-rossiiskom-ugolovnom-sudoproizvodstve> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
8. Гозетдинов Н.И. О цели и назначении уголовного судопроизводства // Российский следователь. 2009. №8. - 2-5-бетлар; <https://cyberleninka.ru/article/n/naznachenie-tsel-i-zadachi-ugolovnogo-sudoproizvodstva.pdf> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
9. Томин В.Т. Принципы отечественного уголовного процесса. Н. Новгород. 2007. – 53-бет. <http://lawlibrary.ru/izdanie2029311.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
10. Левченко О.В. Уголовно-процессуальное познание и его роль в установлении истины по делу // Государство и право. 2003. №4. – 68-бет. <https://lawlibrary.ru/article1138321.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
11. Розин Н.Н. Уголовное судопроизводство. Спб., 1914. – 87-бет. <https://elib.tomsk.ru/purl/1-37518/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
12. Михайловская И.Б. Цели, функции и принципы российского уголовного судопроизводства. М., 2003. – 37-бет. <http://lawlibrary.ru/izdanie45770.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.01.2024);
13. Дрягин М.А. Указ.соч. С. 150 <https://www.dissercat.com/content/prezumpsiya-nevinovnosti-v-rossiiskom-ugolovnom-sudoproizvodstve> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.01.2024);